Программа КОМПАС-3D имеет несколько команд, которые выгодно отличают её от других программ:

1. Панель «Измерения» облегчает работу пользователя, так как позволяет измерять: длины, расстояния, углы и площади.
2. Все размеры проставляются в соответствии с ГОСТом и их легко редактировать при помощи команд «Параметры размера» и «Задание размерной надписи».
3. Панели расположены очень компактно за счёт их «вкладок» в иконки-пиктограммы, что позволяет не уменьшать область черчения.

Так как для студентов важна адаптация ко всем базовым дисциплинам, то удельный вес трудозатрат на самостоятельную работу по графическим дисциплинам в настоящее время соразмерен с математикой, физикой, информатикой, химией. Поэтому освоение графических программ лучше начинать с более простого и быстрого в освоении программного продукта КОМПАС 3D, чтобы основной упор в обучении был направлен не на освоение программы, а на ее применение к конкретной дисциплине.

Список литературы

1. Dilshodbekov Sh.D. Modern Graphic Programs Methodical Possibilities in Teaching Engineering Disciplines // Eastern European Scientific Journal. – Germany, 2018. – P. 294-296.
2. Мирзалиев Зафар Эралиевич, Халимов Мохир Каримович, Маликов Козим Гофурович, Абдухонов Ботир Хусниддинович. Методика использования нового механизма для построения аксонометрических проекций. Young scientist, ISSN: 2072-0297 International scientific journal, No.8 (142) / 2017 part II, -pp. 1-6 Kazan. <https://elibrary.ru/item.asp?id=28395835>
3. Muslimov Sh.N. Development of professional competitiveness of future teachers. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 7 No. 10, 2019. P. 111-116.

О СВОЙСТВАХ ЗАДАЧ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ПОРТАЛОВ В ПРОЦЕССЕ ОБРАЗОВАНИЯ

Курбанов Элдор Эрмамович,
Гулистанский государственный университет.

Аннотация: В статье рассматриваются интеграционные процессы в развитии системы образования, важность новых платформ в онлайн-обучении. Было подчеркнуто, что удаленные возможности образовательных порталов являются сегодня самой большой проблемой образования.

Ключевые слова: Образование, портал, сфера, сетевые ресурсы, связь, открытое образование, конкурс, телеконференция, рынок образовательных услуг.

Образовательные порталы должны содействовать развитию новых проектов интернета в отношении качества сотрудничеству и сферу образования между существующими сетевыми ресурсами. Создание образовательного портала даёт возможность расширению связей по обмену информации между столицей и регионов. Надо отметить, что основной целью образовательного портала является создание новой коммуникационный очаг и информационное поле на основе сети интернета, а также охватывает деятельность образовательной и просветительную сферу. Кроме того, образовательный портал поощряет открытое образование, представляет необходимые информационные средства для общения специалистам; улучшает связи между существующими ресурсами; совершенствует средства в сети интернета целевым способом; соблюдает авторским правам; защищает интеллектуальные имущества; объявляет о конкурсах о лучшем сетевом курсе, образовательной технологии, образовательной услуге и о прочих, размещает информации о рейтингах образовательных учреждений пользующихся технологиями дистанционного образования; размещает информацию о рейтинге разных специальностей исходя из нужд рынка труда; создаёт возможность обмену информации; даёт возможность доставить чат, научно-практические телеконференции, информацию об избранной темы, услугу почты и множество других услуг интернета.

Один из важных задач образовательного портала является совершенствование части интернета, касающееся образованию. Образовательный порталы являясь служащим центром который направляет разрешению важных проблем сетевых ресурсов в процессе образования, каждый пользователь имеет возможность совершенствовать свое знание, получить новые знания.

На сегодняшний день рынок образовательных услуг развивается быстрым темпом, что причиной такому развитию являются в основном обширные возможности сети интернета и новейшее виртуальное образование, современные компьютерные системы.

По данным Международной Ассоциации по Информационным Технологиям, в 1995 году всемирный рынок информации был оценен на 19 миллионов долларов. В Международной конференции World Wide Web которая проходила в Гонконге в мае 2001 года было прогнозировано что объем расширится и показывалось возможное превышение суммы от 54 триллиона долларов. Сегодня мы являемся свидетелями того, как развились информационные ресурсы.

Возможности создаваемые для современных технологий касающиеся образованию, не имеют границу. Электронная коммерция тоже имеет свое место в мировом бизнесе на сегодняшний день. Электронное образование считается перспективной отраслей в развитии сети интернета.

Причиной запаздывания этого процесса в Узбекистане является не только технологические проблемы, но и медленной реализации инноваций. Но несмотря на это, в последние годы в Узбекистане данный отрасль тоже достиг ряд достижений, создаются образовательные порталы как Ziuo.net, которым можно пользоваться не только специалисты, но и студенты, учащиеся школ, и вообще широкий спектр пользователей.

В заключении можно отметить что электронное образование не только предотвращает объективные трудности студентов (неотрывность трудовой деятельности, получать знания на родном языке, усовершенствование иностранных языков, обладание новых информации

и.т.п.), но в то же время даёт возможность реализовать принцип «учиться всегда и везде».

Виртуальное обращение в образовательном процессе занимает важную позицию для многих студентов. Пользование информационными средствами такими как, автоматическое тестирование, выполнение задач, добыча информации, независимая или групповая работа повышает эффективность данного процесса.

На сегодняшний день актуальной проблемой в отрасли электронного образования эта – глобальная интеграция образовательного и научного порталов с научно-образовательным порталом, которая состоит из создания дифференциальной поисковой системы обеспечивающая персонифицированную информацию для пользователя.

Список литературы:

1.Хасанова Б.Б. Роль образовательных порталов в развитии системы образования. // Проблемы реализации инновационных технологий и нетрадиционных методов в процессе образования. Научно-практическая конференция. 2011 г. 123-125 стр.

2.На пути создания национальной систему образования Узбекистана. Материалы научно-практической конференции в НУУз. -Т.: “Ис-Мак”, 1997.203 стр.

3.Курбанов Ш.Э.Социально педагогические особенности национальной модели и программы по подготовке. –Автореф. дисс...канд. ист. наук.-Т., 2000.-49 стр.

КЎРИНИШЛАРИ БЕРИЛГАН ДЕТАЛЛАРНИНГ ЧИЗМАСИНИ ЎҚИШ МЕТОДИКАСИ

Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогика университети
К.Г.Маликов – катта ўқитувчи

Аннотация: Ушбу мақолада Мухандислик графикаси фанларида ортогонал проекциялар текисликлари фазода берилган ҳар қандай нукта учун, ундан чиққан проекцияловчи нурларни бу текисликлар билан кесишувидан ўзаро боғланишини ҳосил бўлишини аниқлаш.

Аннотация: В этой статье в инженерной графике для любой заданной точки пространства плоскости проекции H, V и W определяют, пересекаются ли исходящие из нее проекционные лучи с этими плоскостями.

Annotation: In this paper, in Engineering Graphics, for any given point in space, the projection planes H, V, and W determine whether the projection rays emanating from it intersect with these planes.

Калит сўзлар

Проекция, текислик, нукта, нур, фазо, перпендикуляр, призма, диагональ, каварик, абстракт.

Ключевые слова

Проекция, плоскость, точка, луч, пространство, перпендикуляр, призма, диагональ, выпуклый, абстракт.

Key words

Projection, plane, point, beam, space, perpendicular, prism, diagonal, convex, abstract.


Чизма геометриядан маълумки H, V ва W проекциялар текисликлари фазода берилган ҳар қандай нукта учун, ундан чиққан проекцияловчи нурларни бу текисликлар билан кесишувидан ўзаро боғланган горизонтал, фронтал ва профил проекциялар ҳосил бўлади. Бунга нуктанинг чизмасини тузиш қоидаси деб аталади¹.

Чизма геометрияда проекциялар орасида фронтал проекциялар асосий бўлганлиги учун, чизмаси берилган A (ҳар қандай) нукта, фазода ўзининг фронтал проекциясини рўпарасида, A»дан чиқарилган перпендикулярда, ундан Y_A масофада жойлашган бўлади. Яъни A нукта, агар $Y_A > 0$ бўлса, A» дан олдда, агар $Y_A = 0$ бўлса, A» билан устма-уст, яъни V текисликда, агар $Y_A < 0$ бўлса, A» дан (яъни V дан) орқада жойлашган бўлади. Бу қоидага чизмани ўқиш қоидаси деб аталади.

Чизмачиликда кўринишлар орасида олдан-бош кўриниш асосий бўлганлиги боис, чизмаси берилган деталлар (нукта каби) фазода ўзининг бош-олдан кўриниши рўпарасида жойлашган бўлиб, чизмада ўзининг асосий кўриниши билан қўшилиб, яъни унда яшириниб ётади.

Чизмаси берилган деталнинг фазодаги вазияти бу қоидага асосан қуйидаги алгоритм бўйича аниқланади-чизмаси ўқилади.

¹ Т.Рихсибоев. Мухандислик графикаси фанларини ўқитиш методологияси. Т. Тафаккур қаноти, 2011.63 б.




1- расм: Фикран, яъни онгимизда ҳаёлан деталнинг олддан кўринишидаги контур чизиқлар таҳлил қилиниб, уларнинг ҳар бирини фазода кузатувчи томон тасвир текислигига перпендикуляр йўналишда кетма-кет тикланади. Яъни, бош кўринишда яшириниб ётган деталнинг таркибий қисмлар бирин-кетин ҳаёлан гавдалантирилади. Онгимизда кечаётган бундай чизмани ўқиш жараёнини баён қилишни тушунарли бўлиши учун, 2- расм, а дагидек, деталнинг бош кўриниши ўлчамларсиз тасвирланган бўлсин, яъни йиғиш чизмасидаги каби.

1. Тиклаш жараёнини кўринимли бўлиши учун перпендикуляр йўналишни бироз оғдириб, s йўналишда деталнинг контур чизиқларини характерли-чегараловчи нуқталаридан s га параллел боғловчи чизиқлар фикран ўтказилади, 2- расм, б;

2. Деталнинг олддан ва устандан кўринишларини таҳлил қилиб, энг катта 70x87 мм ли тўғри тўртбурчакнинг калинлиги 12 мм ва радиуси 12 мм бўлиб, 20 мм га узайтирилган ярим цилиндрик тешикли призма эканлиги аниқланади, 2- расм, с;

3. Иккинчи кичик тўғри тўртбурчак, диаметри 14 мм ли иккита тешик ўйилган ва ўлчамлари 30x70 мм бўлган призма эканлиги фикран англаб етилади, 2- расм, д;




4. Учинчи, 2- расм

4. Учинчи, баландлиги узунлигига нисбатан катта тўғри тўртбурчак, ўлчамлари 10x75 мм бўлган призма-мустаҳкамлик қовурғаси (ребро жёсткости) эканлиги ҳаёлан аниқланади. 2- расм, е; Агар чуқурроқ таҳлил қилинса, икки кўриниши ўхшаш, яъни тўғри тўртбурчак бўлган призма, диагонали билан чегараланган ярим призма ёки диагонал чизиғига нисбатан ботиқ ёки қавариқ ёй билан чегараланган призма бўлиши ҳам мумкин, 2- расм, е.

Бундан шундай хулоса келиб чиқади: Агар детал таркибида олддан ва устдан кўринишлари ўхшаш бўлган таркибий қисмлари бўлса, уларнинг конструкцияларини бир нечта вариантда лойиҳалаш мумкин бўлади.

Берилган чизмани юқорида келтирилган алгоритм асосида унда яширинган детални яққол “абстракт образи”ни - мавҳум сиймосини онгимизда фикран тиклаймиз ва бу жараёнга чизмани ўқиш деб аталади. 3- расмда онгимизда фикран тикланган деталнинг мустахкамлик қовурға конструкцияси билан фарқланувчи яққол тасвирлари келтирилган.



3- расм

Фойдаланган адабиётлар

- 1.Мирзалиев Зафар Эралиевич, Халимов Мохир Каримович, Маликов Козим Гофурович, Абдухонов Ботир Хусниддинович. Методика использования нового механизма для построения аксонометрических проекций. Young scientist, ISSN: 2072-0297 International scientific journal, No.8 (142) / 2017 part II, -pp. 1-6 Kazan. <https://elibrary.ru/item.asp?id=28395835>
- 2.Muslimov Sh.N. Development of professional competitiveness of future teachers. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 7 No. 10, 2019. P. 111-116.
- 3.Dilshodbekov Sh.D. Modern Graphic Programs Methodical Possibilities in Teaching Engineering Disciplines // Eastern European Scientific Journal. – Germany, 2018. – P. 294-296.

MILLIY ISTIQLOL G'OYASI VA MAFKURASINI SHAKLLANTIRISHDA CHIZMACHILIK FANINING, MAQSADI VA VAZIFALARI

Z.E.Mirzaliyev – Nizomiy nomidagi TDPU dotsenti v.b.

Sh.Z. Eraliyeva – TS 402 guruh talabasi

M.D.Mirraximova – TS-302 guruh talabasi

Annotatsiya: Ushbu maqolada yuqori malakali chizmachilik o'qituvchilarning ilg'or texnologiyalarini qo'llash ko'rib chiqilgan.

Аннотация: В данной статье рассматриваются методы использования передовых технологий опытных учителей черчения.

The summary: This article examines the techniques used by the advanced technology of experienced drafting teachers.

Tayanch so'zlar: Diqqat, xotira, nutq, tafakkur, fazoviy tasavvur, qiyoslash malakasi, ijodiy qobiliyat, refleksiya, optimal yechimni topa olish.

Yosh avlodni milliy istiqlool g'oyasi va mafkurasini shakllantirishda chizmachilik fanining tarixiga nazar solmasdan maqsadga erishish bir muncha murakkab jarayon xisoblanadi. Chizmachilik fanining shakllanishida nafaqat evropa olimlari, balki O'rta Osiyo mutafakkirlarini vazkur fan bo'yicha qilgan ishlarini e'tirof etish maqsadga muvofiqdir.

Mashhur olim Abu Abdalloh Muhammad ibn Muso al Xorazmiy (783-850) Ptolomey yunon olimi tomonidan bayon qilingan ba'zi masalalarni aniq emasligini chizmalar orqali isbotlab bergan.

Abu Nasr Farobiy (873-950) o'zining geometrik yasashlarga doir asarida ko'p konstruktiv geometriya masalalarni yechishni bayon etadi.

Abu Rayhon Beruniy (973-1048) shar ichida besh xil muntazam ko'pyoqliklar yasash mumkinligini chizmalar orqali isbotlab bergan.

Har qanday o'qituvchining oldida uchta muhim savol ko'ndalang bo'lib turadi: nimani o'qitish, nima uchun o'qitish va qanday o'qitish, hamda o'quvchilar qanday o'qishyapti. Ushbu savollarga Istiqlolimiz tufayli qabul qilingan O'z RDSt. 1.0-92 O'zbekiston Respublikasining Davlat Standartlashtirish Tizimi, "Ta'lim to'g'risidagi", "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi", O'zbekiston Respublikasining Qarorlari, Davlat Ta'lim standard va o'quv dasturida bayon etilgan asosiy talablar hamda umumiy ta'lim maktablarida chizmachilik kursining asosiy vazifalari javob beradi.

Yuqorida qo'yilgan vazifalar o'qituvchidan chizmachilikni o'qitishda turli metod va yo'llaridan foydalanishni hamda zamonaviy ta'lim berish usullarini izlashga to'g'ri keladi:

-chizmachilikni o'qitishda yuqori malakali, ilg'or tajribali o'qituvchilarning o'qitish metodlari va yo'llaridan foydalanish;

- o'quvchilarning fazoviy tasavvur qilish qobiliyatlarini rivojlantirishni faollashtirishni omillarini tadbiq qilish;

- aksonometrik proyeksiyalarning qonun-qoidalarini tadbiq etish orqali qo'lda, ko'zda chamalab eskiz va texnik rasm chizishni mustahkam egallash usullarini qo'llash;

- chizmalar chizish va ularni o'qish bo'yicha mustahkam bilim, ko'nikma va malaka berish omillarini tatbiq etish;

-mustaqil ijodiy fikrlashga, ishlashga o'rgatadigan omillarni izlab topish va ta'limga joriy etish;

-turli chizmalarni kompyuterda mustaqil bajara olish malakalarini egallay oladigan omillardan foydalanish.

"Ta'lim" dasturining bajarilishi har bir o'qituvchining davlat va jamiyat oldidagi ma'naviy burchi davlat ta'lim standartida bayon qilingan quyidagi belgilangan talablarni bajarishdir.

1. Ta'lim dasturining bajarilishi majburiyligi.

2. O'quvchilar, o'quv yuklamalarining mukammal hajmini o'rganishlari va egallashlari.

3. O'quvchilarning o'quv ta'lim saviyasining mukammalligi.

Ushbular asosida chizmachilikni o'qitishda quyidagi yo'nalishlarni belgilashga jazm etadi:

-chizmachilik texnika rivojlanishining ilmiy asosi ekanligi tushunchasini uzluksiz rivojlantirish;

-chizmachilik orqali texnikaga bo'lgan qiziqish, uni rivojlanishiga hissa qo'shish imkoniyatiga ishonch hosil qilish tarbiyasiga ahamiyat berish;

-chizmachilikning mohiyati, maqsadi o'quvchilar qalbida ushbu fanga bo'lgan muhabbat, ishonch hosil qilish hamda o'z qo'li bilan nimaiki chizmasin, yasamasin uning ongida fikr, tushuncha, bilim, iste'dod, qobiliyat shakllanishi zarur;

-chizmachilik o'quv-tarbiya jarayonining har bir bosqichida milliy istiqloq g'oyalarining uzviy rivojlanishiga ahamiyat berish;

-chizmachilik darslarida o'quvchilarning ahloqiy tarbiyasi va texnikaga bo'lgan qiziqishini o'stirish, "Ta'lim to'g'risida" gi qonun va "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi" asosida ta'limning tuzilishi, bosqichlari, mazmuni, o'quv reja, dastur va darsliklari davr talabiga moslashtirib boriladi.

Tovushsiz musiqa, so'zsiz adabiyot, qog'ozsiz xat bo'lmaganidek, chizmalarsiz texnika rivojlanmaydi. Faraz qiling, qanday qilib binolarni, chizmalarsiz qurib bo'ladi?

Chizmachilik fanining asosiy manbaalari:

- ajdodlarimiz qoldirgan chizmalar milliy va umuminsoniy qadriyatlar;
- xalq pedagogikasi va amaliy o'yin texnologiyalari hamda milliy oila an'analari;
- Markaziy Osiyo mutafakkir va ma'rifatparvarlarning asarlaridagi chizmalarga oid bilimlar;
- to'g'ri va qiyshiq burchakli proyeksiyalar yasashlarning nazariyasi chizma geometriya fani;
- chizma geometriya, chizmachilik va perspektivaga oid turli adabiyotlar va ma'lumotnoma (spravochnik) lar.

Chizmachilik fanining maqsadi va uni o'qitishga qo'yiladigan talablar:

-insoniyat taraqqiyoti jarayonida madaniy, ma'naviy, milliy merosimizdagi avlod-ajdodlarimizdan qolgan tasvirlash, qurilish haqidagi bilimlarni o'quvchilarga yetkazish;

-mutafakkir olimlarimiz, rassomlarimiz hattotlarimiz ijodida chizmachilik ilmini paydo bo'lishga qo'shgan hissalarini o'quvchilarga yetkazish;

-Istiqloq tufayli respublikamizning texnikaviy rivojlanishiga hissa qo'shish maqsadida yoshlarni texnika tili chizmachilik bilimlari bilan qurollantirish. Shu maqsadda texnik chizmalarni chizish va ularni o'qiy oladigan texnik kadrlar bo'lishga orzumand o'quvchilarni tayyorlash;

-ta'lim-tarbiya jarayonida beriladigan bilimlar yaxlit, milliy va tarixiy ma'naviyat omillar umuminsoniy qadriyatlar mohiyatini tushuntirish;

-umumiy o'rta ta'lim maktablarida chizmachilik kursi ta'limning umumiy maqsadlarini amalga oshirishga xizmat qiladi. Chizmalarni o'qish va chizish orqali bolalarning fazoviy tasavvuri va mantiqiy tafakkurini, ijod, bunyodkorlik, loyihalash kabi sifatlarini rivojlantirish.

Ushbu vazifalarni bajarish yo'lidagi eng zarur va javobgarlik hissi masalalaridan biri shundan iboratki, o'quv jarayonini mukammallashtirish va amaliyotga yangi o'quv pedagogik texnologiyalarni, metodlarning yangi shakllarini kiritish, pedagogik mahorati, san'atini hamda o'qituvchilarning malakaviy mahoratini oshirishdan iborat.

Bunday savollarga javobni tajribaga boy o'qituvchilarning ijodiy izlanishlaridan izlash lozim.

Bunday o'qituvchilar o'quvchilarda grafikaviy savodxonlikni shakllantirish yo'llarini mukammal egallashgan bo'lib, ularning tarbiyasidagi o'quvchilar chizmachilikdan o'tkaziladigan baxs, ko'rgazma, olimpiadalarda doimo g'olib chiqishadi.

O'zlarini maktabga bag'ishlagan haqiqiy pedagoglar o'qitish metodikasini juda mukammal egallagan bo'lishlariga qaramay, takrorlanmaydigan shaxsiy o'qitish usullariga ham egadirlar. Ular na faqat o'zlarining balki, o'zgalarning ham fikr va qarashlarini hurmat qilishadi. O'quvchilar bilimiga odilona baho berishadi, ularni teng ko'radi va hurmat qilishadi. Mana shunday vatanparvar va jonkuyar o'qituvchilarning pedagogik faoliyatini ilmiy-metodik tadqiqot orqali o'rganib, respublikamizda chizmachilikni o'qitishni yuqori pog'onaga ko'tarish yo'llarini targ'ib qilish vaqti keldi.

Фойдаланилган адабиётлар.

- 1.И.Рахмонов. Чизмаларни чизиш ва ўқиш. – Т. Ўқитувчи, 1994.
- 2.8 va 9-sinflarda CHIZMACHILIK FANINI O'QITISHGA DOIR METODIK KO'RSTMALAR. (Umumta'lim o'rta maktab o'qituvchilari uchun metodik qo'llanma).
- 3.Халимов М.К. Мирзалиев З.Э. Очилов Ф.Э. "CHIZMACHILIK" (GEOMETRIK VA PROYEKSION CHIZMACHILIK) -Т." Adabiyot uchqunlari", 2017.
- 4.Мирзалиев Зафар Эралиевич, Халимов Мохир Каримович, Маликов Козим Гофурович, Абдухонов Ботир Хусниддинович. Методика использования нового механизма для построения аксонометрических проекций. Young scientist, ISSN: 2072-0297 International scientific journal, No.8 (142) / 2017 part II, -pp. 1-6 Kazan. <https://elibrary.ru/item.asp?id=28395835>
- 5.Muslimov Sh.N. Development of professional competitiveness of future teachers. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 7 No. 10, 2019. P. 111-116.
- 6.Dilshodbekov Sh.D. Modern Graphic Programs Methodical Possibilities in Teaching Engineering Disciplines // Eastern European Scientific Journal. – Germany, 2018. – P. 294-296.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА SMART-АУДИТОРИЯДАН ФОЙДАЛАНИБ ТАЛАБАЛАРНИНГ КРЕАТИВЛИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ш.Н.Муслимов

ТДПУ “Мухандислик графикаси ва уни
ўқитиш методикаси” кафедраси в.б доценти,
п.ф.ф.д (PhD), Ўзбекистон.

Аннотация. Мазкур мақолада таълим тизимида Smart-аудитория тизими орқали ўқитишнинг афзалликлари кенг ёритилган. Мақолада олий таълим муассасалари фаолиятида Smart-аудиториянинг аҳамияти, мақсади, мазмуни, ўқитишдаги афзалликлари ва Интернет технологияси ёрдамида тингловчи ҳамда ўқитувчиларнинг масофадан туриб интер-фаол мулоқот қилиш жараёни масалалари ёритилган.

Аннотация. В данной статье подробно рассмотрены преимущества обучения через систему Smart-аудитория в системе образования. В статье освещены значение, цель, содержание Smart-аудитории в деятельности высших образовательных учреждений, преимущества в обучении и процесс дистанционного интерактивного общения слушателей и преподавателей с помощью Интернет-технологий.

Annotation. This article describes in detail the advantages of learning through the Smart-audience system in the education system. The article highlights the meaning, purpose, content of the Smart Audience in the activities of higher educational institutions, the advantages in training and the process of remote interactive communication between students and teachers using Internet technologies.

Калит сўзлар: Smart-аудитория, FingerPrint, FingerPrint texnologiya, touchscreen, 3D ўлчамли модел, AutoCAD, 3D Max, CoralDraw, ArchiCAD, коммуникация, аудио ва видео дарслиklar, онлайн дарслар (Интернет саҳифа), электрон кутубхоналар, мултимедиа электрон дарслиklar.

Ключевые слова: Smart-аудитория, FingerPrint, технология FingerPrint, сенсорный экран, трехмерная модель, AutoCAD, 3D Max, CoralDraw, ArchiCAD, коммуникация, аудио-и видеуроки, онлайн-уроки (интернет-страница), электронные библиотеки, мультимедийные электронные учебники.

Keywords: Smart audience, FingerPrint, FingerPrint technology, touch screen, three-dimensional model, AutoCAD, 3D Max, CoralDraw, ArchiCAD, communication, audio and video tutorials, online lessons(web page), electronic libraries, multimedia electronic textbooks.

Ҳозирги давр таълим босқичининг янги талабаларига эҳтиёж юқорилигини кўрсатмоқда. Бунда масофавий таълим технологияларини таълим жараёнида қўллаш ва уни бошқариш ҳам муҳим ўрин тутди. Бу борада, Республикамизда қатор долзарб ишлар олиб борилмоқда.

Ўқув Электрон ахборот таълим ресурслари ўқув жараёнига мослашувчан ҳарактерга эга. материалнинг ҳажми қанча катта бўлса, ЕАТРдан фойдаланишда шунчалик сустилик кузатилади. Бироқ, шунга қарамай, ЕАТР таклиф этаётган материални кўчириш, уни қайта ишлаш, олинган материал базасида янги ўқув материалларини тайёрлаш имкониятларига эга.¹ Электрон ёки масофавий таълимнинг янги босқичида нафақат ахборот технологияларини қўллаш, балки электрон шаклдаги таълим манбалари билан таъминлашни кўзда тутилади. Олий таълим тизимида татбиқ этилган ахборот тизимларидан E-minbar тажрибаси ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш натижасида Smart-аудитория фаолияти йўлга қўйилди.

SMART технологиясидан фойдаланган ҳолда ўқув машғулотларини ташкил этиш таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бу ўринда Электрон минбар, яъни ҳар бир аудиторияда бўлиб ўтаётган машғулотни тўғридан-тўғри онлайн тарзда тарқатиш тизимини ташкил этиш таклиф қилинган. Бу олий таълим тизимида технологик таълим

¹ Н.Муслимов, Д.Сайфуров, М.Усмонбоева ва А.Тўраевлар. Web-технология асосида электрон ахборот таълим ресурсларини яратиш ва уларни амалиётга жорий этиш. – Т., 2015

йўналишида тахсил олаётган талабаларни олган билимларини мустахкамлашга, ўз устидарида мустақил ишлашларига ушбу онлайн ва офлайн-курсларда ҳамда “Чизмачилик (3D ўлчамли модел)” мобил илова ўзларига керакли бўлган янги билимларни олиш имконига эга бўлади.

Электрон ахборот таълим ресурс базалари ўқув жараёнига мослашувчан характерга эга. Ўқув материалнинг ҳажми қанча катта бўлса, электрон ахборот таълим ресурс базаларидан фойдаланишда шунчалик сустлик кузатилади. Бироқ, шунга қарамай, электрон ахборот таълим ресурс базалари таклиф этаётган материални кўчириш, уни қайта ишлаш, олинган материал базасида янги ўқув материалларини тайёрлаш имкониятларига эга. Электрон ёки масофавий таълимнинг янги босқичида нафақат ахборот технологияларини қўллаш, балки электрон шаклдаги таълим манбалари билан таъминлашни кўзда тутилади. Олий таълим тизимида татбиқ этилган ахборот тизимларидан Электрон минбар тажрибаси ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш натижасида SMART-аудитория фаолияти йўлга қўйилди.

SMART-аудитория ўзида ФингерПринт, SMART Электрон минбар, “Чизмачилик (3D ўлчамли модел)” мобил илова, мультимедия проектори каби замонавий ахборот технологияларини жамлаган тизим.

Шунингдек, талабаларни таълим жараёнига, машғулотларга масъулият билан қарашга ундайди. Электрон минбар дарс материалларини мавзу баёнидан қалғимасдан тушунтиришда янги технология бўлиб, ўқитувчи учун керакли бўлган турли маълумот ва ускуналар билан жиҳозланган. Овоз кучайтириш мосламаси ўқитувчи ва намоёниш қилинаётган мультимедия материаллари овозини ўқувчиларга яхши етиб боришини таъминлайди. Дарсни бир вақтда вебинар кўринишида олиб боришга мўлжалланган конференц-алоқа платформаси дарсда қатнашмаётган талабаларга машғулотни онлайн тарзда кузатиш ва ўзлаштириш имконини беради.

Электрон минбар дастурий платформаси профессор-ўқитувчига ўзининг виртуал кабинетидagi ишини ташкил қилиш, жорий сана учун дарс жадвали, тақвим-мавзули (календарь-тематик) режа, бугунги мавзу ва дарсга оид бошқа маълумотлар билан танишиш, машғулот давомида талабаларга мавзу доирасида янада кўпроқ маълумот беришда қулай восита ҳисобланади. Замонавий ахборот коммуникация технологиялари, хусусан, мобил технологиялар сўнгги вақтларда педагогик инновацияларнинг асосий манбаи ҳисобланади. Инновация - бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновация ҳолатлар, инновация ёндашув асосида бошлашимиз керак.

Талабалар учун мустақил билим олиш имкониятларини ошириш, таълимнинг электрон ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш таълим мазмунини такомиллаштиришнинг зарурий шароитларидан бири саналади. Замонавий таълим тизимининг асосини сифатли ва юқори технологияли муҳит ташкил этади.

Шу ўринда айтиш жоизки, АКТ соҳаси таълими амалиётида мутахассислик фанларини ўқитишда интерактив ўқув материалларидан фойдаланиш талабаларнинг мустақиллиги, ижодкорлиги, фанга қизиқувчанлиги, янгиликларга интилувчанлигини шакллантиришга ёрдам беради.

Сўнгги йиллар давомида AutoCAD, 3D Max, CoralDraw, ArchiCAD, Adobe Captivate, CourseLab, Lectora, Adobe Presenter, iSpring, CourseBuilder, UniMaster, Android Book App Maker каби интерактив ўқув материалларини яратиш имкониятини берувчи педагогик инструментал дастурлар хорижий ва маҳаллий мутахассис, педагоглар томонидан юқори баҳоланмоқда.

Мавзунини мустахкамлаш қисмида эса геометрик шаклларни кўринишлари юзасидан тайёрланган видеоролик (цилиндр, шар, конус, призма ва бошқалар) кўрсатилган ҳолда, талабалар кўникмасини шакллантирилади. Ундан сўнг SMART-минбар ёрдамида мавзу юзасидан тайёрланган савол ва топшириқлар талабалар ҳукмига ҳавола қилинади. Дарс якунида савол жавобда фаол қатнашган талабалар рағбатлантирилади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, таълим тизимида АКТ ни қўллаш, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий самара беради. Шунинг учун бу борадаги назарий, услубий ва бошқа жиҳатларни давр талаблари асосида такомиллаштирилиши бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Ахборот технологияларидан фойдаланиш талабаларга мўлжалланган кўникмага асосланган ёндашувни

ривожлантиришга, ўз қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беради, бу уларга таълим масканларида малакали, профессионал шахсга айланиш имконини беради. Юқорида таъкидланганидек, зарур билимларни сотиш ва сотиб олиш унинг товарга айланганлигини билдиради.

Юқори малакали кадрлар тайёрлашга ихтисослашган олий таълим муассасаларида инноватсиялар кенг қўламда қўлланилиши зарур. Ушбу жараённинг оммавийлашиши натижасида, олий таълим муассасалари, фан, ишлаб чиқариш ва бозор билан алоқаси юзага келишида, етук мутахассисларни тайёрлашга муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари SMART-аудитория ёрдамида турли вазиятларга кўра таълим муассасаларига бориб таълим олиш имконияти бўлмаган ёшларни мустақил билим олишлари ва касб танлашга замин яратади.

Адабиётлар

1.Н.Муслимов, Д.Сайфуров, М.Усмонбоева ва А.Тўраевлар. Web-технология асосида электрон ахборот таълим ресурсларини яратиш ва уларни амалиётга жорий этиш. – Т., 2015

2.Муслимов Ш.Н. “Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий график компетентлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш” Т-2020:, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси.

3.Мирзалиев Зафар Эралиевич, Халимов Мохир Каримович, Маликов Козим Гофурович, Абдухонов Ботир Хусниддинович. Методика использования нового механизма для построения аксонометрических проекций. Young scientist, ISSN: 2072-0297 International scientific journal, No.8 (142) / 2017 part II, -pp. 1-6 Kazan. <https://elibrary.ru/item.asp?id=28395835>

4.Dilshodbekov Sh.D. Modern Graphic Programs Methodical Possibilities in Teaching Engineering Disciplines // Eastern European Scientific Journal. – Germany, 2018. – P. 294-296.

МЕТОД ПРОБЛЕМИЗАЦИИ УРОКАХ ГЕОГРАФИИ

Примова Хамида

Учитель географии №16-средней школы
г. Гулистана Сырдарьинской области

Аннотация. В статье рассмотрены вопросы проблемного обучения учащихся, которое предполагает создание, согласно государственным образовательным стандартам, под руководством учителя проблемных ситуаций, способствующих активной самостоятельной деятельности обучающихся по их разрешению. Представлены практические мероприятия по организации проблемного обучения учащихся на уроках географии.

Ключевые слова: проблемное обучение, определение проблемных ситуаций, познавательная активность учащихся.

Сегодня под проблемным обучением понимается такая организация учебных занятий, которая предполагает создание под руководством учителя проблемных ситуаций и активную самостоятельную деятельность учащихся по их разрешению. В результате чего и происходит творческое овладение профессиональными знаниями и умениями, развитие мыслительных способностей. Условиями успешности обучения являются:

- проблематизация учебного материала;

- активность ребенка; - связь обучения с жизнью. Проблемное обучение основано на создании особого вида мотивации – проблемной, поэтому требует построения дидактического содержания материала как цепь проблемных ситуаций. Технология проблемного обучения характеризуется тем, что учащиеся самостоятельно включаются учителем в решение проблем. Проблемные задания имеют, как правило, личностно-развивающий характер и естественно возникают из опыта и потребностей самих учеников. Поставив ученика в проблемную ситуацию, интересную и для всего класса, учитель получает возможность «растормозить» механизм его мышления. Включение учащихся в ходе проблемного занятия в формулирование проблемы, выдвижение гипотез по ее решению – углубляет интерес к самостоятельному процессу познания, открытия истины: факт – гипотеза – теория – знание (истина).

Задача учителя – направить изучение учебного материала путем ухода от прямого, однозначного ответа на вопросы учеников, от подмены их познавательного опыта своим.

2. Самостоятельное выдвижение гипотез по решению проблемы. На этапе выдвижения гипотез необходимо, чтобы учащиеся научились предлагать свои варианты решений, первоначально анализировать их, отбирать наиболее адекватные, учиться видеть пути их доказательства. Активизация механизма мышления на этом этапе происходит при применении приема размышление вслух, при использовании активизирующих вопросов. Создание ситуации, в которой ученик как бы идет на один, два шага впереди учителя. Учитель, подготовив логикой своего доказательства какой-либо вывод, отдает права его «открытия» классу.

3. Метод уяснения готового знания из печатного источника. Учащимся предлагаются тексты из газет, журналов, книг, словарей и т.д. по определенной теме и вопросы к ним. По этим материалам организуется работа по группам, парам или индивидуальная, а затем проходит коллективное обсуждение вопросов.

4. Методы проблемного обсуждения.

Эти методы предполагают сочетание устного изложения материала учителем и постановку проблемных вопросов, выявляющих личностное отношение учеников к поставленному вопросу, его жизненный опыт, знания, полученные вне школы

Формы учебных занятий, где можно использовать проблемный метод:

1. На основе дискуссионной деятельности:
2. семинары (индивидуальная работа);
3. структурированные дискуссии (групповая работа); проблемно-практические дискуссии (коллективная работа)

На основе исследовательской деятельности:

практические занятия (коллективная работа);

исследовательские уроки (индивидуальная работа)

3. Традиционные уроки с новыми аспектами:

- урок-лекция;
- урок-семинар;
- урок- практическая работа;
- урок-конференция;
- урок-экскурсия;
- урок-консультация;
- урок-зачет и т.д.

4. Нестандартные уроки:

- урок-аукцион;
- рок-пресс-конференция;
- урок-защита диссертации;
- урок-суд;
- урок-посвящение;

Цель проблемного типа обучения не только усвоение научного познания, системы знаний, но и самого пути процесса получения этих результатов, формирования познавательной активности ученика и развития его творческих способностей. При проблемном обучении деятельность учителя состоит в том, что он, довел в необходимых случаях объяснение содержания наиболее сложных понятий, систематически создает проблемные ситуации, сообщает учащимся факторы и организует (проблемные ситуации) их учебно-познавательную деятельность, так что на основе анализа фактов учащиеся самостоятельно делают выводы и обобщения, формируют с помощью учителя определенные понятия, законы.

Так изучение геологического строения. Рельефа и полезных ископаемых Узбекистана можно целенаправить на решение проблемы: «Установить какие причины обусловили разнообразие и особенности расположения крупных форм рельефа на территории Узбекистана», а уроки, посвященные изучению пояса гор Южного Туркестана, объединить проблемой «Можно ли все эти горные системы, разнообразные по орографии и возрасту, рассматривать как один природно-территориальный комплекс?»

В результате у учащихся вырабатываются навыки умственных операций и действий, навыки переноса знаний, развивается внимание, воля, творческое воображение.

Сегодня мы являемся свидетелями процесса перехода от «школы объяснения» к «школе развития». Важнейшей характеристикой новой школы является проблемное обучение. Совершенно очевидно, что ЗУНы не могут быть единственной педагогической целью: школа должна всемерно развивать познавательные и творческие возможности учеников и действительно, а не на словах, воспитывать взрослеющую личность. Значит, все должно быть по-другому: и психологическая атмосфера занятий, и учебное содержание, и методика преподавания. А в методике в первую очередь следует изменить часть, отвечающую за введение нового материала: ученики должны открывать знания, а не получать их в готовом виде. Проблемное обучение- будущее нашего образования!

Основой моей работы на уроке является стимулирование учащихся к творчеству и познавательной деятельности, а также поддержка инициативы учащихся. В ходе работы на уроке учащиеся сами делают «открытия». Так, правила могут быть созданы, «открыты» учениками.

Подобный метод конструирования правил можно применять и при изучении других тем. Особенностью данного метода является то, что его применение приводит к созданию образовательной продукции, то есть творческому результату. Однако первичной целью данного метода является познание объекта, поэтому его специфика связана больше с когнитивными процессами, чем с креативными. Необходимо отбирать содержание учебного материала согласно критериям проблемности. Для творческого подхода к процессу обучения характерны следующие обращения: «сравни», «докажи», «выдели главное», «сделай выбор и аргументируй его», «предложи свой вариант», «объясни и сделай вывод». При таком стиле обучения деятельность учащихся носит частично-поисковый, поисковый, проблемный и даже исследовательский характер.

На своих уроках я:

- 1) ставлю учебно-познавательные проблемы так, чтобы вызвать интерес к размышлению, анализу и сравнению известных факторов, событий и явлений;
- 2) стимулирую учащихся к поиску новых знаний и нестандартных способов решения задач и проблем;
- 3) поддерживаю ученика на пути к самостоятельным выводам и обобщениям.

Большую роль играют вопросы и задания, которые обеспечивают комплексное развитие памяти, внимания, речи, развивают интуицию, нестандартное творческое мышление. Это очень важно, так как память, внимание, мышление - это психические процессы, с помощью которых формируются образы окружающей среды. Мышление раздвигает границы человеческого познания. Память скрепляет все уровни познавательных процессов между собой в единую, целостную познавательную деятельность человека. Таким образом, такие задания повышают интерес не только к конечным результатам, но и - что особенно важно - к самому процессу познания. Такие задания лучше использовать в 6-7 классах. Учащиеся воспринимают такие задания как игру, разминку.

Примером таких заданий могут быть: Четвёртый лишний; где необходимо выявить географические объекты, найти лишнего представителя флоры и фауны, подбор ассоциаций и т.д.

Так при изучении темы «Гидросфера» ребятам предлагалось найти лишнее слово в ряду: «Байкал, Лена, Амударё, Каспийское»; «Нил, Амазонка, Анхель, Сирдарё» и т.д.

Работа в группах. Группам раздают карточки, на которых они в течение пяти минут пишут свое мнение.

Небольшой самолет потерпел аварию и упал в центральной части Сахары, в 150 км. от ближайшего жилища. Температура земли днем +50 градусов. Летчики погибли. Остались целыми пассажиры и некоторые предметы. На пассажирах майка, шорты и легкая обувь. Напротив каждого предмета поставьте порядковый номер. Под цифрой 1 - самый значимый предмет в данной ситуации; 11 - возможно не имеющий значения.

Предметы

1. Крылья самолета Я У (-) МЫ У (-)
2. 2 кг. Соли
3. Спички
4. Зеркальце
5. Фонарик
6. Парашют
7. Фотоснимок данной местности
8. Книга о съедобных животных в пустыни
9. Пистолет и 10 патронов
10. Пальто на каждого
11. 1 литр воды на каждого

В первой колонке, индивидуально, учащиеся высказывают свою точку зрения в виде порядкового номера. В первой колонке, коллективное, учащиеся ставят порядковый номер коллективного решения.

Во вторых колонках ставятся номера зачитанные учителем.

В третьей записывается разница. Цифры третьей колонки суммируются и записываются ниже таблицы результат. Чем меньше сумма, тем ближе участник и коллектив к истине, а значит качественнее знания.

Подводится итог вместе с учителем.

Данные выводы можно оформить в виде стенда...

Коллективная индивидуальная хорошо, но необходимо повторить,...

Коллективная Сумма = 0. Молодец, оценка «5».

Провожу «Мозговой штурм» Задания-парадоксы например: «Реки европейской части России и Сибири разливаются один раз в год. Реки же, пересекающие пустыни, - Амударья, Сырдарья - имеют два паводка в год - весной и летом.

Характерные особенности познавательно-развивающих вопросов можно свести к следующему:

- каждый вопрос - это маленькая страничка живой истории со своими действующими

лицами, сюжетом, интригой;

- формулировка вопроса должна быть предельно лаконичной и понятной учащимся;
- обязательное наличие в вопросе «ниточки» (ключевое слово, ссылка на известное), потянув за которую учащиеся быстрее приходят к правильному ответу;
- конечный результат должен способствовать укреплению связи между учителем и учениками и желанию дальнейшего совместного творчества.

Функция учителя при использовании исследовательского метода заключается, прежде всего, в конструировании и постановке перед учащимися проблемных заданий (или в отборе этих заданий из методической литературы), а деятельность учащихся состоит в восприятии, осмыслении и решении проблемы в целом.

Вся жизнь человека постоянно ставит перед ним острые и неотложные задачи и проблемы. Возникновение таких проблем, трудностей, неожиданностей означает, что в окружающей нас действительности есть еще много неизвестного, скрытого. Следовательно, нужно все более глубокое познание мира, открытие в нем все новых и новых процессов, свойств и взаимоотношений людей и вещей.

Список литературы:

1.Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А.,Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар).-Т.: “Истеъдод” жамғармаси,2008 -180 б.

2.Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностно-ориентированные технологии профессионального развития специалиста.- Екатеринбург,1999.-244 с. 3.www.Ziyonet.uz

3.www.edy.uz

ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК МАНБАЛАРДА “ТАСАВВУР” ВА “ФАЗОВИЙ ТАССАВУР” ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ТАЛҚИН ЭТИЛИШИ

М.Халимов-Низомий номидаги ТДПУ доценти

Аннотация: Мазкур мақолада муҳандислик графикаси илмий-педагогик манбаларда “тасаввур” ва “фазовий тасаввур” тушунчаларини талқин этилишига оид методик тавсиялар ёритилган.

Аннотация: В статье даны методические рекомендации по трактовке понятий «воображение» и «пространственное воображение» в научно-педагогических источниках инженерной графики.

Abstract: The article provides guidelines for the interpretation of the concepts of “imagination” and “spatial imagination” in scientific and pedagogical sources of engineering graphics.

Калит сўзлари: билим, кўникма, малака, фазовий тасаввур, фазовий тафаккур, саводхонлик, тадқиқот.

Ключевые слова: знания, навыки, компетенции, пространственное воображение, пространственное мышление, грамотность, исследования.

Key words: knowledge, skills, competencies, spatial imagination, spatial thinking, literacy, research.

Маълумки графика фанларини ўқитишнинг анъанавий амалиёти таҳлили шуни кўрсатдики, график таълимни ўқитишда турли хилдаги детал моделлари, плакатлар, тарқатма материаллар ва бошқалар ёрдамида талабалар фазовий тасаввурини ривожлантирилиб келинмоқда. ОТМларда ўқитилаётган “Чизма геометрия”, “Чизмачилик”, “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанларида фойдаланилаётган кўргазмали материалларни етишмаслиги, мавжудлари эса аксарияти эскирганлиги натижасида яроқсиз ҳолатга келиб қолганлигини кўриш мумкин. Ҳозирги кунда турли кўргазмали воситалар, жумладан, компьютер воситалари, видеопроекторлар, телевизор ва бошқалар таълим жараёнида қўлланилмоқда. Дарсларни сифатли ва кўргазмали ташкил этиш ўқитувчининг бугунги кундаги долзарб вазифаси ҳисобланади. Бундан келиб чиқадики, фан ўқитувчиси дарс машғулотларига керакли материалларни олиб киришида муаммолар мавжуд. Шунинг учун ҳам ушбу материалларсиз дарс ўтказиш натижасида график таълимнинг муҳим ўқув компетенцияси бўлган талабаларнинг фазовий тасаввур қилишида айтилгандек натижа бермайди. Чунки талаба айтилаётган детал, буюм ва бошқаларни ўз кўзи билан кўрмаса тасаввур қила олмайди. Тасаввур қилиши учун, албатта, кўрсатиш лозим бўлади.

Тасаввур - нарс ва ҳодисалар, ҳолатларни, воқелик образларини эслаш, шунингдек, ижодий ҳаёл суриш жараёни. Тасаввурни янги образлар билан бойитиш фикрлаш топшириқларини ечишда муҳим ўрин эгаллайди. Билимларни ўзлаштиришда, касбий малакаларни эгаллашда тасаввур муҳим аҳамиятга эга.

Тасаввур - ҳаёлнинг инсон учун муҳим томони шундаки, ҳаёл ёрдамида одам бўлажак предметни, нарсани олдиндан идрок қилади. Масалан, муҳандис ўзи яратмоқчи бўлган машинасини унинг схемасидан тасаввур қилади. Меъмор қурмоқчи бўлган биносини чизган эскизи орқали тасаввур этади.

Тасаввур - инсоннинг сезги органларига қачонлардир таъсир этган предметлар ва ҳодисаларнинг хотирада муайян образ шаклида сақланиб қолганяққол хиссий образидир.

Ҳаёл- образ тасаввур ёки ғоя шаклида янги нарсанинг яратилиши, онг фаолияти, яъни илгари идрок қилинмаган нарсаларнинг образларини мавжуд тасаввурлар асосида мияда яратишда ифодаланадиган фаолиятдир.

Фазовий тасаввур - кўз билан кўриш ва ақл элагидан ўтказиш.

Фазовий тасаввур уч тоифага бўлинади:

- 1- кўз билан кўриб кўрган нарсасини тасаввур қилади;
- 2- қулоқ билан эшитиб ва ўша нарсалар ҳақида тасаввур қилади;
- 3- ўқиш ва чизиш орқали тасаввур қилиш;

Талабаларнинг фазовий тасаввурини улар онгининг маҳсули сифатида борликдаги нарсаларнинг фазодаги ўрни, ҳолати, шакли, ўзаро жойлашуви ва нисбатлар ўрнини тасаввур қилиш қобилияти демакдир.

Фазовий тасаввур - тасвирланаётган объект, чизма, буюм, детал ва бошқаларни шакли, ҳажми, кўриниши, вазияти, унинг характеристикаси ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлишдир. Фазовий тасаввур деганда чизилаётган чизма, детал ва бошқаларнинг инсон тасаввури, ҳаёлида кўз олдига келтира олиши ҳамда уни чизма қоғозига тушира олиши тушунилади.

Муҳандислик графикаси йўналиши талабаларига чизма геометрия фанини ўқитишда иккитата асосий йўналиш бўйича ўқитиш орқали олиб бориш мақсадга мувофиқлигини эътироф этади. Биринчи йўналиш бўйича 1-курсада ўрганиладиган тушунча ва тасвирларни чуқур ўрганиш орқали мустақил ўрганишни ривожлантириш; 2-иждодий фаолият турлари орқали ўрганиш ва умумлаштириш орқали иждодий фаолиятни ривожлантириш мумкинлигини таъкидлаган. Демак, шундай экан, графика фанларини ўқитишда талабаларда етишмаётган фазовий тасаввур муаммосини ҳал этиш бугунги куннинг ўз ечимини кутаётган долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу муаммони ҳал этиш учун фан ўқитувчилари мавжуд муаммоларни ҳал этишда энг яхши ва мақбул восита сифатида мультимедияли компьютер технологияларидан кенг фойдаланишлари зарур.

Бугунги кунда ўқитишни компьютерлаштириш назариясини ишлаб чиқиш ҳақиқатдан ҳам ўқув фаолиятининг самодорлигини оширадиган, ўрганилаётган мавзуга нисбатан ижобий муносабат ва қизиқишни шакллантирадиган таълимий-электрон ишланмаларни яратишнинг умумий ва хусусий мезонларини белгилаш зарурати пайдо бўлади.

Графика фанларини ўзлаштириш учун биринчи навбатда талабалар мустақил фикрлаш ва фазовий тасаввурга эга бўлиши лозим. Фан бўйича мультимедияли электрон дарслик ёки қўлланма замон талабаларига жавоб бериши билан биргаликда фандаги билимлар базасини ўзида мужассамлаштирган бўлиши зарур.

Талабаларнинг фаоллиги ва мустақил фикрлаш муаммолари амалиётнинг дидактик илдиэларидан биридир. Агар талабалар график материалларнинг ҳолатини фазовий тасаввур эта олмасалар ўқитувчининг фаолияти таълимий ижобий натижа нуқтаи назаридан самарага эга бўлмайди. Фанни ўзлаштиришда талабаларнинг мустақил фикрлашга ҳамда фазовий тасаввурларини шакллантиришга замонавий компьютер технологиялари ва улар асосида яратилган дастурий воситалар самарали ёрдам беради.

Графика фанларини ўқитишда мультимедияли электрон китобдан фойдаланиш билан бир қаторда автоматлаштирилган лойиҳалаштириш тизими дастурлардан фойдаланиш юқори самара беради. Бу дастурлар туркумига 3D Max ва Компас дастурини киритилиш мумкин.

